Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O‘ZBEKISTON OVOZI

● 2015-yil, 5-fevral. Payshanba ● 15 (31.918) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

MАМЛАКАТИМИЗДА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МОС КЕЛАДИГАН МИЛЛИЙ САЙЛОВ ТИЗИМИ ШАКЛЛАНТИРИЛДИ. ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИ ЭРКИН БИЛДИРИШ ҲУҚУҚИНИ КАФОЛАТЛОВЧИ МУСТАҲКАМ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ ЯРАТИЛДИ. ШУНГА МУВОФИҚ РАВИШДА АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, ҲУҚУҚИЙ БИЛИМИ, ФАОЛЛИГИ ТОБОРА ЮКСАЛИБ БОРМОҚДА. БУ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНЛАРИДА ҲАМ ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛМОҚДА.

САЙЛОВОЛДИ ТАДБИРЛАР

партиямизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини оширишга, сиёсий-ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга хизмат қилиши зарур

2

Эътироф

Ўзбекистонда 2015 йил Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши мамлакатда аҳолининг барча қатламларига катта эътибор қаратилаётганидан далолат беради. Бундай Давлат дастурларини амалга ошириш борасида эришилган муваффақиятлар юксак эътиборга моликдир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги муносабатлар барқарор ривожланиб бормоқда. Доимий равишда ўзаро ташрифлар амалга оширилмоқда, турли соҳалардаги ўзаро тажриба ва мутахассислар алмашувларининг кўламлари кенгаймоқда. Бундай ҳамкорлик алоқаларимиз келажакда янада мустаҳкамланишига ишончим комил.

Хирохиса Учида,
«Matsumae International» халқаро жамғармаси раиси,
Токаи университетининг профессори
ЯПОНИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг йил якунлари, жорий йилдаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилишдаги маърузасида ўз аксини топган далил ва рақамлар республика иқтисодиёти юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бораётганидан далолат беради.

2014 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этгани катта эътиборга сазовор кўрсаткич ҳисобланади. Саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда ва бошқа соҳаларда ҳам худди шундай ўсишни кўриш мумкин.

Аксель Вольц,
Лейбниц номидаги Марказий ва Шарқий Европа аграр тараққиёти институтининг ўқитувчиси
ГЕРМАНИЯ

Мамлакатингизда ташкил қилинган махсус индустриал ҳудудлар фаолияти ҳамда уларда хорижий инвесторлар учун солиқ ва божхона имтиёзларининг яратиб берилгани Ўзбекистон бозорига муваффақият келтирадиган омиллар сирасига киради. Биз жорий йили бўлиб ўтадиган қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналар «Uzbekistan Agrominitech Expo» халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосида иштирок этишга тайёрмиз.

Берт Влаенхард,
«Hobart» компаниясининг ҳудудий менежери
НИДЕРЛАНДИЯ

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Қонунларнинг одамлар ҳаётига,

сиёсий ва иқтисодий тараққиётга таъсирини кучайтириш — долзарб вазифа

Олий Мажлис палаталарининг 23 январь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида парламентнинг ўтган даврдаги фаолиятига холис баҳо берилди.

Президентимиз маърузасида қайд этилган камчилик ва хатолардан тегишли хулоса чиқариб олиш, уларни бартараф этиш учун зарур чора-тадбирлар кўриш сиёсий партиялар, депутатлар ва сенаторлардан катта масъулият билан меҳнат қилишни талаб этади.

Ўзбекистон ХДП ташкилотлари, фракцияси ва партия гуруҳлари қўшма мажлисда билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, ўз фаолиятини тубдан кучайтириш бўйича чора-тадбирларни белгилаб олмоқда. Куни кеча партия Марказий Кенгаши томонидан ўтказилган семинарда бу борадаги устувор вазифалар ҳақида фикр юритилди.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят партия кенгашлари ходимлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоят Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари иштирок этди. Семинарда Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида белгиланган вазифалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга тайёргарлик кўриш масалалари муҳокама этилди.

2

Қонунчилик палатаси фаолиятида сиёсий партиялар фракцияларининг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, кўппартиявийлик тизимини изчил ривожлантириш муҳим вазифалардандир.

САЙЛОВ — 2015

Тараддуд қизғин паллага кирди

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 11-Фарғона округ сайлов комиссияси томонидан сайловга тайёргарлик ишлари миллий қонунчилигимиз талаблари асосида олиб борилмоқда.

— Округ сайлов комиссияси учун барча қулайликларга эга замонавий бино ажратилган, зарур транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланган, — дейди 11-Фарғона округ сайлов комиссияси раиси Набижон Собиров. — Комиссия фаолиятини моддий-техник ва услубий жиҳатдан таъминлаш борасидаги ишлар ниҳоясига етказилмоқда. Аъзоларимизнинг сайлов қонунчилиги, сайловни ташкил этишнинг амалий жиҳатлари бўйича билим ва кўникмасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Миллий сайлов қонунчилиги талабларидан келиб чиққан ҳолда, вилоят шаҳар ва туманларида 947 сайлов участкаси тузилди. Сайлов участкаларида сайловчиларнинг эмин-эркин овоз беришлари учун барча зарур шароит яратилаётир. Участкалар тегишли жиҳозлар ва сайлов қонунчилигига доир адабиётлар билан таъминланмоқда. Округ сайлов комиссияси ҳузурида сайловни ёритиш бўйича матбуот маркази ташкил этилди.

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қоидаларини тушунтириш бўйича фаол иш олиб борилмоқда. Туман ва шаҳарларда жамоатчилик вакиллари билан ўтказиладиган учрашувлар, семинарлар режаси ишлаб чиқилди. Аҳолини сайлов ҳақида хабардор қилувчи плакатлар одамлар гавжум жойлар ва муассасаларда жойлаштирилмоқда.

ЎзА

2015 ЙИЛ КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

ДУНЁ ҲАЁТИ

бунёдкорлик, меҳнат, илм-ҳикмат, меҳр-муҳаббат ва кексаларга ҳурмат билан ободдир

Президентимиз томонидан 2015 йил мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинди. Бу бежиз эмас, албатта. Шу муносабат билан барча соҳада кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Маълумки, муқаддас динимизда ҳам ота-онани, айниқса, улар кексайган вақтда ардоқлаш, меҳр-мурувват ва ҳиммат-оқибат кўрсатиш ҳар бир инсон учун фарз экани уқтирилган.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон АЛИМОВ билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

► *Давоми 3-бетда.*

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонида:



Фақат профессионал депутатлар халқимизнинг талабига муносиб жавоб бера олади



■ Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича қилинаётган ишлар самараси нималарда намоён бўлмоқда?

Партиямизнинг инсонпарвар ғоялари, ҳаётий дастурини кенг тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Қонунларнинг одамлар ҳаётига,

сиёсий ва иқтисодий тараққиётга таъсирини кучайтириш — долзарб вазифа

Сўзга чиққанлар, аввало, парламентдаги фракциямиз олдида турган вазифалар, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишларини сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариш, халқаро ҳуқуқий амалиёт билан қиёсий таҳлил қилиш асосида депутатлар фаоллигини ошириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдиришди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева парламент палаталари қўшма мажлисида таҳлил қилинган масалалар нафақат депутатлар, фракциялар, айни пайтда сиёсий партиялар фаолиятини тубдан такомиллаштиришда ҳам муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Партия фракцияси фаолияти кучайиши кўп жиҳатдан партия ташкилотларига боғлиқ эканига, шундан келиб чиқиб, тегишли чора-тадбирлар белгилаш талаб этилаётганига эътибор қаратди.

Улуғбек Вафоев, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

— Қўшма мажлисда билдирилган танқидий фикрлар, илгари сурилган ғоялардан келиб чиққан ҳолда, биринчи навбатда фракция ва партия гуруҳлари ишини кучайтириш ҳақида ўйлашимиз керак. Ҳозир 2015-2019 йилларга мўлжалланган партиямиз Ҳаракат дастурини маърузага мувофиқ равишда янада такомиллаштириш устида иш олиб борилмоқда.

Маърузада парламентнинг энг катта камчиликларидан бири сифатида сиёсий партиялар фракциялари, депутатларнинг қонун ижодкорлиги ишлари сустлиги танқид қилинди. Тан олиш керак, Қонунчилик палатаси фаолияти таҳлил этилганда, энг кам қонун ижодкорлиги ташаббуси билан чиққан субъект Қонунчилик палатаси экани маълум бўлади. Шунинг учун Ҳаракат дастурида қонун ижодкорлиги ҳамда уларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёнларини такомиллаштириш, депутатларга ва партия ташкилотларига аниқ вазифалар белгилашга эътибор қаратилмоқда.

Парламент назоратини кучайтириш борасида ҳам олдимизда муҳим ишлар турибди. Бугунги кунда қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичларида депутатлар, сиёсий партиялар фракцияларига катта имкониятлар берилган. Фракциямиз, депутатлар улардан самарали фойдаланиш йўллари устида чуқур ўйлаши зарур.

Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

Абдуғаффор Қирғизбоев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Одамларнинг турмуш фаровонлиги, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти қонун устуворлиги билан белгиланади. Биз бугун юртимизда демократик давлат, фуқаролик жамияти қураётган эканмиз, албатта, қонунларимиз сифатини оширишга жиддий киришишимиз керак. Бунинг учун қонунлар мазмун-моҳияти бўйича аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар уюштириш, одамларнинг бу борадаги фикрларини ўрганиш, шу асосда фракцияларо баҳс-мунозараларни чуқурлаштириш зарур, деб ҳисоблайман.

Қонунлар лойиҳалари, айниқса, аҳолининг муҳим ҳаётий манфаатлари, ижтимоий ҳуқуқларига бевосита дахлдор бўлган қонунчилик ҳужжатлари муҳокамасига жамоатчилик, фуқаролик институтлари вакилларини ҳам кенг жалб этиш зарур бўлади.

Маърузада, шунингдек, Олий Мажлис томонидан қонунлар ижросини таъминлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётига етарлича эътибор берилмаётгани, қабул қилинаётган қонунлар одамлар ҳаётига, сиёсий, иқтисодий тараққиётга қандай таъсир кўрсатаётгани ҳақида жойлардан келиб турадиган, парламентга ўз фаолиятини янада такомиллаштириш имконини берадиган ахборот алмашиш механизми деярли ишламаётгани ҳақида фикр билдирилди.

Демак, келгусида қонунлар ижросини, ҳуқуқни қўллаш ва амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш, назорат-таҳлил ишлари механизмини мустаҳкамлаш тақозо этилади.

Мақсуда Ворисова, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Олдимизда энг муҳим масала — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига пухта тайёргарлик кўриш вазифаси турибди. Партиямиз ушбу сиёсий жараёнда муносиб иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Унутмаслигимиз керак, партиямиз ғояларини тушунтиришда, мазмун-моҳиятини одамларга етказишда, халқимизнинг фаолиятимизга муносабатини билишда сайлов энг жиддий синов, асосий имтиҳон ҳисобланади. Шунинг учун сайлов кампанияси вақтида партия ташкилотлари ва сайланма органлари ишини ўзаро мувофиқ ташкил этиш, Сайловолди дастурида белгиланган масалалар асосида аниқ режа тузиб, иш юритишимиз зарур. Бизнинг асосий вазифамиз партиямиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатиладиган номзодни қўллаб-қувватлаш, сайловолди тадбирларини ўтказишига фаол кўмаклашишимиз зарур.

Бу борада партиямизнинг инсонпарвар ғоялари, ҳаётий дастурларини кенг тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Сайлов кампанияси даврида партия туман ва шаҳар кенгашлари, бошланғич ташкилотларимиз электоратимиз вакиллари фуқаролик позициясини, сайлов ҳуқуқидан онгли ва масъулиятли фойдаланиш кўникмасини кучайтиришга ҳаракат қилиши лозим.

Семинарда, шунингдек, партия гуруҳлари ишини жонлантириш, ижтимоий масалаларни ўрганиш, таҳлил қилиш бўйича таклифлар билдирилди. Халқимиз ишончини оқлаш йўлида аниқ мақсадга йўналтирилган ташаббусларни кўпайтириш лозимлиги таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов кампанияси даврида тарғибот ишларини самарали, таъсирчан олиб бориш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

■ **Маълумки, сайлов қонунчилигига асосан мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга расман ижозат олди. Яқинда ЎзХДП Тошкент вилоят кенгашининг III пленумида мазкур сиёсий жараёнда партиямизнинг фаол иштирокини таъминлаш учун пухта тайёргарлик кўриш билан боғлиқ муҳим вазифаларни белгилаб олдик.**

Сайловолди тадбирлар

партиямизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини оширишга, сиёсий-ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга хизмат қилиши зарур

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ЎзХДПнинг муносиб иштирокини таъминлаш мақсадида шаҳар ва туман кенгашлари томонидан ҳар бир маҳаллада партиямиздан кўрсатиладиган номзодни қўллаб-қувватловчи имзоларни тўплашга доир тадбирлар тизимли тарзда амалга ошириляпти. Бошланғич ташкилотлари раислари ва аъзоларидан иборат махсус гуруҳлар тузилиб, ҳар бир ҳудудга масъул ходимлар бириктирилди. Сайловчилар имзоларини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида олиб борилмоқда. Махсус гуруҳлар вилоятдаги 1000 дан ортиқ маҳаллада, таълим, тиббиёт муассасалари, корхона ва ташкилотларда бўлиб, сайловчиларга имзо варақаларини тўлдириш тартиби, миллий сайлов қонунчилиги ҳақида тарғибот-тушунтириш ишлари билан шуғулланмоқда.

Айниқса, «Истиқбол» ёшлар қанотининг вилоятимиздаги 10 минг нафардан ортиқ, «Фаол аёллар» қанотининг 15 минг нафар аъзоси бу муҳим тадбирга кенг жалб этилди. Шунингдек, имзоларни тўплаш жараёнида 200 нафардан ортиқ тарғиботчилар гуруҳи аъзолари ҳам қатнашмоқда. Ўтказилаётган семинарларда слайд ва кўргазмали тарғибот воситалари ёрдамида «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунларнинг мазмун-моҳияти, сайловчилар фаоллигининг аҳамияти, ҳуқуқ ҳамда бурчлари атрофлича тушунтирилмоқда. Чунки фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш сайлов кампаниясини юксак савияда ўтказишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Тадбирлар давомида фуқаролар, айниқса, ёшларимизнинг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий онги ва маданияти янада ошгани, жамиятда кечаётган ислоҳотлардан кенг хабардорлиги, одамлар партиямиз дастурий мақсад ва вазифаларига катта қизиқиш билдираётгани яққол намоён бўлмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, бугунги кунгача вилоят партия кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига бағишланган 50 дан ортиқ сиёсий семинарлар ўтказилди. Уларда тингловчилар ҳам сайлов ва унинг аҳамияти хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.

Шу кунларда вилоят партия Кенгашидан тартиб бошланғич ташкилотларгача бўлган барча бўғинларда сайловчилар имзоларини тўплаш жараёни қизғин давом этмоқда. Бунда имзо варақаларини қонунчиликда белгиланган тартибда ўз вақтида ва тўғри тўлдириш, барча ҳудудларни тўлиқ қамраб олиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энг муҳими, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатлари тўлиқ амалга ошиши учун барча имкониятлар ишга солиняпти. Бу ҳам мамлакатимизда демократик ислоҳотлар чуқурлашиб, кучли фуқаролик жамияти қарор топаётганининг яна бир ифодаси, десак, тўғри бўлади.

Тадбирларда тингловчилар ҳам сайлов ва унинг аҳамияти хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.

Меҳрож ДАРХОНОВ, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси ўринбосари.

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДА

партиянинг муносиб иштирокини таъминлаш жараёнида бошланғич ташкилотлар, маҳаллий кенгашлар, барча даражадаги депутатлар фаоллик кўрсатмоғи лозим

■ **ЎзХДП Қорақалпоғистон Республика кенгашининг III пленумида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиянинг муносиб иштирокини таъминлаш борасидаги вазифалар муҳокама этилди. Шунингдек, Президентликка номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзоларини белгиланган тартибда ўз вақтида йиғиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Унда минтақавий кенгашлар раислари, Жўқорғи Кенгесдаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари, бошланғич ташкилотлар етакчилари ва партия фаоллари иштирок этди.**

Пленумда ЎзХДП Қорақалпоғистон республика Кенгаши раиси Қуватбой Қурбанбоев сўнгги беш йил мобайнида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, иқтисодий ва демократик ислоҳотлар мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун янада кенг шарт-шароит яратганини таъкидлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар кўтаринки руҳда, кескин сиёсий курашлар асосида ўтгани бунинг яққол тасдиғи бўлгани қайд этилди. Сайлов якунига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси туман ва шаҳар Кенгашларининг қарийб барчасида партия гуруҳлари тузилди. Бу партиямиз электорати манфаатларини маҳаллий Кенгашларда ифода этиш, қатъий туриб ҳимоя қилиш имконига эга эканимизни англатади.

Пленумда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига фаол тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар белгилашга қаратилди. Айниқса, сайлов қонунчилигига оид тарғибот ишларини кучайтириш, тадбирларни юқори савияда ўтказиш масалалари юзасидан фикрлар, таклифлар билдирилди.

Пленумда кун тартибидаги масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

■ **ЎзХДП Наманган вилоят кенгашининг пленумида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиянинг муносиб иштирокини таъминлаш бўйича вилоят партия ташкилоти олиб бораётган ишлар таҳлил қилинди.**

Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Дилором Абдураҳимова сўзга чиқиб, мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотларнинг самаралари, халқимиз турмуш даражасининг юксалаётгани, тинчлик ва тараққиёт барқарорлиги таъминланаётгани ҳақида фикр юритди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимизда демократик ислоҳотлар янада чуқурлашаётган, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёни янги босқичга кўтарилаётган шароитда бўлиб ўтади, — деди у. — Мазкур сайлов фуқароларнинг сиёсий хоҳиш-иродасини ифода этиши учун катта имконият, айни чоғда сиёсий партиялар учун жиддий синовдир. Сайловчилар партиямиз дастурий мақсадларидан қанча кўп хабардор бўлса, шунчалик кўпроқ ишонч билдиради. Шунинг учун Президент сайлови билан боғлиқ тадбирларни кўпроқ маҳаллаларда, бошланғич ташкилотларимизда ўтказишга эътибор қаратяпмиз. Сайловолди тадбирлари таъсирчан бўлиши учун очиқ мулоқотлар, самимий суҳбатлар ҳаётий мисолларга эътибор бериш керак.

Пленумда сўзга чиққан ЎзХДП Наманган шаҳар кенгаши раиси Маматвали Турғунов, Чуст туман кенгаши раиси Суннатулла Аҳмаджонов, Янгиқўрғон туман кенгаши раиси Соҳиба Жуманова ўз фикрларини билдирди. Сайловчиларнинг имзоларини тўплаш ишларини қонунчиликка қатъий риоя этган ҳолда олиб бориш кераклиги таъкидланди.

Пленумда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. ЎзХДПнинг IX қурултойига вилоят партия ташкилотидан делегатлар сайланди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг Президент сайловига тайёргарлик кўриш юзасидан олиб бораётган ишлари ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот олиш мумкин.

■ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ ТАРКИБИДА 27 НАФАР ДЕПУТАТ ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ.

■ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДАГИ ДЕПУТАТЛАРНИНГ 1656 НАФАРИ ЎзХДПДАН САЙЛАНГАН.

■ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДА ЎзХДПНИНГ 214 НАФАР ДЕПУТАТИ БОР.

O`ZBEKISTON OVOZI
2015-yil 5-fevral. Payshanba
15 (31.918)-son
www.uzbekistonovozi.uz

2015 ЙИЛ — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

ДУНЁ ҲАЁТИ

бунёдкорлик, меҳнат, илм-ҳикмат, меҳр-муҳаббат ва кексаларга ҳурмат билан ободдир

— Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм. Ҳар қандай жамиятнинг ёши улуғ кишиларига иззат-ҳурмати, диққат-эътибори ва меҳрибонлиги, унинг маданий-маърифий савиясини белгилайди, — дейди **Усмонхон Алимов.** — Бир ҳақиқатни очиқ айтиш керак. Кексаларга — ҳурмат, ёшларга — иззат халқимизга хос фазилат. Ёшларимиз оқсоқоллар оқ фотиҳасисиз катта ишга қўл урмайди. Айниқса, кейинги йилларда ўзаро меҳр-оқибат, етимесирга ҳиммат ва саховат, орасталик ва кўнгил ободлиги кучайди. Халқимиз «Қариялар хонадон файзи-фаришталари», дейди. Ҳақиқатан ҳам қайси оилада кўпни кўрган отахон ёки онахон бўлса, у уйда аҳил-тотувлик, иттифоқлик, файзу-барака бўлади.

Бугун Ўзбекистонимиз барча жабҳада ғурурланса, арзийдиган ютуқларни қўлга киритиб, тараққиёт йўлига чиқиб олди. Бунда ҳам кекса авлоднинг хизмати катта. Шу маънода, биз уларнинг олдида қарздормиз. Қўлимиздан келгунча, кексалар оғирини енгил қилиш ҳар биримизнинг вазифамиз.

Шундан келиб чиқсак, янги йилимиз Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилинишида теран ҳикмат бор. Аввало, бу — суннат. Имом Термизий ривоят қилишича, Расулуллоҳ (алайҳиссаллом): *«Еш йигит кекса кишини ёши улуғлиги учун ҳурмат қилса, Аллоҳ таоло уни ҳам кексайганида ҳурмат қилинадиган инсонлар қаторига қўяди»,* дея марҳамат қилган. Нимага десангиз, ёши улуғ одам — тарбия ўчоғи. Қайси уйга кирманг, бобо ёки буви — набиралар меҳрибони, уларнинг таълим-тарбияси, одоб-ахлоқининг жонкуяри. Улар ўз ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб, ёшларни тўғри йўлга бошлайди.

Куни кеча, Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисида давлатимиз раҳбари бугунги тинч ва обод ҳаётимизни барпо этишга беқиёс хизмати сингган хонадонларнинг файзи бўлган мўътабар кексаларимизнинг фаровон ва муносиб ҳаёт кечиришлари учун кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки инсоний бурчимиз эканини алоҳида таъкидладилар.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳам кўпдан-кўп хайрли ишлар қилишни кўзда тутган. Биз ҳамкор ташкилотлар билан бирга дастур ишлаб чиқдик. Ҳозир шуни ҳаётга татбиқ этиш борасида изчил ҳаракат қиляпмиз.

Унга кўра, аввало, таниқли уламо ва имом-домлаларнинг мамлакат бўйлаб сафарлари ташкил этилади. Улар жойларда бўлиб, ёши улуғ отахон ва онахонлар ҳолидан хабар олади, улар билан суҳбатлар ўтказиб, ғамхўрлик кўрсатишади. Ундан ташқари, кексаларни эъзозлаш халқимизга хос азалий қадрият эканини одамларга етказиш, айниқса, бу фазилатни ёш авлод онгига сингдириш мақсадида диний ходимлар мунтазам маърифий суҳбатлар ўтказиб боради. Шунингдек, мавзуга оид жума йўриқларини масжидларга тарқатиш анъанага айланади. Уламолар, диний ходимлар, имом-хатиблар ва мударрислар Кексаларни эъзозлаш йили маъно, мазмунини ва унинг моҳиятини жамоатчиликка етказиш мақсадида жойларда чиқишлар қилади. Шу билан бирга, муқаддас динимизда кенг ўрин олган кексаларни эъзозлашга оид панд-насиҳатларни оммавий-ахборот воситаларида ёритиш, шунингдек, бу йўналишда диний-маърифий адабиётлар чоп этиш режалаштирилган...

— Албатта, ёши улуғ инсонга, хусусан, ота-онага муносиб ҳурмат кўрсатиш халқимизга хос фазилатдир. Лекин баъзан ҳаётда бунинг акси ҳам бўлади. Бундай камчиликларни қандай тузатиш мумкин?

— Бунда ота-оналар тарбияни тўғри ташкил этиш, айниқса, ёши улуғлар ўз ўрнида ёшларга панд-насиҳат қилиши ғоятда муҳим. Одобсизлик ва ҳаёсизликни чиройли ислоҳ этишда яхшилар ибрати қимматли аҳамият касб этади. Халқимизда «Эл назари» деган тушунча бор. Эл назари қанча кучли бўлса, бундай камчиликлар шунча тез барҳам топади. Бу дегани ҳар биримиз жамият ҳаётида фаол ва жонкуяр бўлишимиз лозим, деганидир.

Инсон, аввал гўзал хулқли, ахлоқли бўлиши лозим. Гўзал хулқ икки дунё саодатига етказувчи омил. Қуръони Каримда бунга алоҳида урғу берилган. Расулуллоҳ (алайҳиссалом) *«Аллоҳга ёқимли хулқлар билан хулқланингиз»*, деб марҳамат қилган. Умуман, фарзанд тарбияси барча замонларда диққат марказида турган.

Халқаро терроризм турли бузғунчи оқимлар ва оммавий маданият айрим ёшлар ҳаётига кириб келаётган ҳозирги замонда маърифат ва тўғри тарбия ҳар қачонгидан долзарб ва матлубдир.

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бугунги кунга келиб, ёшлар онгига фитратимизга ёд қарашларни, бузғунчи диний оқимлар «ақида»сини сингдириш, уларни ота-оналари ва оиласидан узоқлаштириш, сўнг низо-жанжал, қонли уруш ҳукм сурган ўлкаларга сафарбар этиш, манқурт-жангарига айлантириш мақсади йўлида уни қурбон қилиш каби аянчли ҳолатлар кузатилмоқда. Вақтида бундай қабиҳ ишларни олди олинмаса, ёмон оқибатларни келтириб чиқариши аниқ.

Ахлоқсизликни тарғиб қилиш, гиёҳвандликка ундаш оилавий қадриятларни тан олмаслик кайфиятини туғдиришдан кўзланган мақсад ёшларнинг ҳаётини, бутун жамиятни ҳаётини бузиб ташлашдан иборат. Бундай ғаразли кирдикор қандай оқибатларни келтириб чиқаришини билмоқчи бўлсангиз, дунё ҳаётига бир назар ташланг. Теварак атрофингизда нималар бўлаяпти? Нега одамлар Ҳақ таоло номидан, мўътабар динимиз номидан иш кўриб бир-бирини ўлдираяпти? Ҳокимият талашиб, шаҳар-қишлоқларни вайрон этмоқда. Қон тўкмоқда!.? Ҳолбуки, муқаддас динимиз тинчлик ва маърифат, покизалик ва яхшилик, ҳиммат ва меҳр-оқибат дини. Мудом Ҳақ таоло яхшиликка буюради.

«Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй, инсон!) **Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга «уф!» дема ва уларни жеркима! Уларга** (доимо) **ёқимли сўз айт! Уларга, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут ва** (дуода) **айт: «Эй, Раббим! Мени** (улар) **ғўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, Сен ҳам уларга раҳм қилгин!»** *(Исро 23,24)***.**

Ўғил-қизларимиз шу йўлда собит. Уларнинг катта миқёсдаги ютуқлари бизни хурсанд қилади. Уларнинг қиёфасида эртанги кунимизни, келажагимизни кўрамиз. Аммо, минг афсуски, на ота-онаси, на кексалар панд-насиҳатига қулоқ солмай, номаъқул ишга қўл ураётган йигит-қизлар ҳам йўқ эмас. Оқибатда, улар Ҳақ йўлдан озиб, эл-юрт олдида ота-онасининг юзини ерга қаратмоқда.

Имом Бухорий ривоят қилади: *Расулуллоҳ (алайҳиссалом): «Сизларга катта гуноҳларнинг энг каттаси хабарини берайми, дедилар»*.

Биз: *«Ҳа, эй, Аллоҳнинг расули», дедик. Расулуллоҳ (алайҳиссалом): ёнбошлаган ҳолда эдилар, ўтириб олиб: «Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш, ёлғон сўзлаш ва ёлғон гувоҳлик бериш...» деб такрор-такрор айтавердилар. Биз у кишини: «Қани тўхтасалар эди!», дедик...»*

Ёшликда бировнинг таъсирига тушиш, хато қилиш осон. Шунинг учун ҳам Ҳақ таоло буюрадики: **«(Эй инсон!) ўзинг (аниқ) билмаган нарсага эргашма!».** (Исро 36).

Муқаддас динимиз доим бизни ҳушёрликка, яхшиликка ундайди. Дунё ҳаёти бунёдкорлик, меҳнат, илм-ҳикмат, меҳр-муҳаббат ва кексаларга ҳурмат билан обод.

Ёши улуғ зотларнинг дуосини олиб, ота-онанинг кўнглини олиб, кичик авлодга меҳр кўрсатиб, яшашга нима етсин?!.

Расуллуллоҳ (алайҳиссалом) марҳамат қилиб айтадики: *«Кичикларимизга раҳм-шафқат қилмаган ва катталарнинг шарафини билмаган кишилар биздан эмасдир»*...

«Ўзбекистон овози» мухбири Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.

Дунё

Бола парвариши

тенглик асосида

Одатда, ҳомиладорлик ва фарзанд парвариши учун бериладиган таътилга фақат аёллар чиқади. Бироқ Европанинг айрим мамлакатларида бу тенглик асосига қурилади.

Масалан, Германияда янги туғилган чақалоқ тарбияси учун нафақат онанинг ўзига, балки отасига ҳам 14 ойлик таътил олиш имкони берилади. Бу вақт давомида уларга маошининг 63 фоизи миқдорида ҳақ тўлаб турилади. Бола тарбияси билан ким неча ой шуғулланишини ота-онанинг ўзи ҳал этади — хоҳласа эр 7 ойга, хотин кейинги 7 ой учун таътилга чиқиши мумкин, хоҳласа бошқача.

«The Daily Mail» газетаси хабарига қараганда, Буюк Британияда ҳам ёш оталар учун ярим йиллик таътил берилиши мумкин. Аёллар эса 1 йиллик таътилга чиқади.

Аммо эркакларнинг аксарияти бола тарбияси учун таътилга чиқиш «карьера»ни бой бериш билан тенг, деб ҳисобларкан.

Масалан, немисларнинг ҳар бештадан бири ёки 81 фоизи бола тарбияси учун бериладиган таътил имкониятидан фойдаланмас экан. Фақат 19 фоиз эркак атиги икки ойга таътил оларкан.

Ҳужайрани ўтказиш орқали

янги тиш ўстирилади

Токио университетининг табиий фанлар бўйича бир гуруҳ олимлари ва улар тажрибасига ҳомийликни зиммасига олган компания вакиллари тушган тиш ўрнида янги тиш ўстириш мумкинлигини исботладилар.

ИТАР-ТАСС хабар беришича, тажриба сичқонда синаб кўрилди. Яъни сичқон ҳомиласининг «тиш»идан 40-50 мингта ҳужайра олинди ва ўстирилди.

Натижа шу бўлдики, ҳомила тиш ярим миллиметр ҳажмгача улғайди. Сўнг у сичқондан суғуриб олинган тиш ўрнига ўтказилди. 37 кундан сўнг у милкка жойлашиб, илдиз ота бошлади. 50 кундан кейин эса бу тиш одатдаги ҳажмга эга бўлди.

Олимлар унда асаб толалари ва қон томирлар пайдо бўлганини кузатишди. Унга механик таъсир қилиб кўришган эди, сичқон оғриқ сезгани маълум бўлди. Бу табиий тишдек жойига мустаҳкам ўрнашганини билдиради.

Энг қулай вақт

соат 14 дан кейин

Аксарият одамлар қаҳвани эрталаб ичишни одат қилишган. Бироқ британиялик олимлар бу «ақида»дан воз кечишни тавсия этмоқдалар.

Улар олиб борган кузатув-тадқиқот натижалари шундан далолат бермоқдаки, дейилади «Аргументы и факты» ҳафталигида чоп этилган ахборотда, киши организмида қаҳвага эҳтиёж тушдан сўнг, аниқроғи, соат 14 дан кейин сезиларкан. Негаки, айнан шу пайтда диққат-эътиборни жамлаш ва фикрлаш концентрацияси пасаяди. Қаҳва эса бу концентрацияни меъёрлаштиради ва организмнинг ақлий ҳамда жисмоний имкониятини фаоллаштиради.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

TRASTBANK
ишонч билан юзма-юз

Ишончли ҳамкор

Қулай ишбилармонлик муҳити туфайли мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари йил сайин ривожланиб, ички бозорни сифатли маҳсулотлар ҳамда хизматлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратишда асосий кучга айланди. Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидлаганидек, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 2000 йилдан буён 31 фоиздан 56 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 12,9 фоиздан 31,1 фоизга ўсди.

ЎзА олган суратлар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожида тижорат банкларининг молиявий кўмаги устувор аҳамиятга молик. Жумладан, ўтган йили молия муассасалари томонидан уларга 9 триллион сўмдан ортиқ сармоялар йўналтирилди. Бу борада «Трастбанк» ХАББ фаоллиги эътиборга молик.

Ёш оилаларни, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини кичик бизнесга жалб қилиш, уларда бизнесни юритиш, молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, оилавий бизнесни йўлга қўйиш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, борасида олиб борган амалий саъй-ҳаракатлари самараси сифатида молия муассасаси «BankExpo-2013» кўргазмасининг «Тадбиркорларнинг энг яхши ҳамкори ва ишончли таянчи», VI Тошкент халқаро инвестициявий-молия форумида эса «Йилнинг энг яхши хусусий банки» номинациялари ғолиби, деб эътироф этилди. Банк сармоялари орқали ўз бизнесини йўлга қўйиб, оиласи фаровонлигини таъминлаш билан биргаликда янги иш ўринлари ташкил этаётган юртдошларимиз сони тобора кўпайиб бормоқда.

Анвар АЛЛАБЕРДИЕВ, «ANVAR-AKBAR KELAJAGI» MChJ директори:

— Дастлаб «Трастбанк» ХАББ Термиз филиали кўмагида йўловчи ташувчи автохўжалигимизни тартибга тушириб, бақувват оилавий хўжаликка айлантирдик. Ўзаро ишонч ва ҳамкорлик туфайли банк томонидан бизга яна имтиёзли муддатга лизинг хизмати кўрсатилди. Натижада, хўжалигимиз ер, зовур қазийдиган ва тупроқни чиқариб ташлайдиган экскаторга эга бўлди.

Наримон АБДУРАҲМОНОВ, «LIDER-FLEX PRINT» MChJ директори: — Мустақиллик йилларида матбаачиликнинг моддий-техника базасини ривожлантириш борасида катта ишлар олиб борилди. Мамлакатимизда кўплаб ихчам, замонавий полиграфия корхоналари ташкил топди. Флексия босма усулида ишлаётган корхонамиз кўплаб нусха кўчириш баробарида, босма усулда қоғозга нозик нақш солиш, муқова устига турли, нафис безаклар бериш имконига эга. Корхонамизни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда «Трастбанк» ХАББ Амалиёт бошқармасининг ўрни катта бўлди. Банк томонидан лойиҳамизга ажратилган маблағ эвазига босма машина ва қоғоз ашёларини етарли миқдорда харид этдик. Маҳсулотларимиз полиграфия бозорида муқим жой олди.

Замон билан ҳамқадам бўлиб фикр юритаётган банк ходимларининг ёрдамида ўз ишлаб чиқаришимизни йўлга қўйганимиздан мамнунмиз.

Акмал ҲАЙДАРОВ, «XAYDAROV AKMAL CHORIYEVICH» MChJ директори:

— Косонсой тумани «Дўстлик» маҳалласи фуқаролар йиғини ҳудудида мини-футбол майдони, идора, савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ва қариялар учун чойхона қуришга бел боғладик. Вилоят меъморчилик ва қурилиш бошқармасининг розилиги олингач, бир йил муқаддам, маҳалла аҳолисининг кучи ва бинокор мутахассислар раҳбарлигида ишлар жонланиб кетди. «Трастбанк» ХАББ Қарши филиали бизга кредит ажратди. Наврўз байрами арафасида қурилишни ниҳоялаш ниятимиз бор.

Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Хизматлар лицензияланган.

■ Жаҳон банки томонидан эълон қилинган, харид қобилияти бўйича ҳисобланадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмига қараб аниқланадиган иқтисодий ривожланиш борасидаги янгиланган рейтингда Ўзбекистон дунёнинг **190** та давлати орасида **2010** йилдаги **72**-ўриндан **66**-ўринга кўтарилди.

■ **2014** йилда иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестициялар ҳажми **10,9** фоизга ўсди ва АҚШ доллари ҳисобида **14** миллиард **600** миллион долларни ташкил этди.

■ **2014** йилда иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларида замонавий юқори технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозланган, умумий қиймати **4** миллиард **200** миллион долларга тенг бўлган **154** та йирик объект фойдаланишга топширилди.

Ҳали ҳам истеъмолда бўлган чўғлантирувчи лампа 1 кунда 6 соат ёқилган тақдирда, 1 йилда 46976 сўмлик электр токини ёқади. Қарангки, ЛЕД 9 Вт лампаси эса 1 йилда бор-йўғи 2819 сўмлик электр токини сарфлайди.

ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ

Электр токини тежайдиган лампалар

хонадонларимизни чароғон этиш билан бирга иқтисодиётимизга ҳам катта фойда келтирмоқда

Ҳозир ахборот-технологиялари шиддат билан ривожланиб бормоқда. Олимлар томонидан кашф этилган кашфиётлар дунёга ёйилиб улгурмай, бундан-да янги ва мукаммалроқ ихтиролар яратиляпти.

Юртимизда ҳам бугунги кунда кўплаб соҳаларда техниканинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланишни йўлга қўйиш туфайли халқимиз турмуш шароити яхшиланмоқда, одамларга кўплаб қулайликлар барпо этилмоқда. Масалан, айни пайтда бутун дунёда электр-энергияга бўлган эҳтиёж кундан кунга ортиб боряпти. Бунинг боиси, мутахассисларнинг фикрича, аҳолининг сони ортиб бориши натижасида кўплаб янги шаҳарлар, янги аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудлар пайдо бўлаётгани биринчи сабаб бўлса, иккинчиси қанчадан-қанча саноат корхоналари бунёд этилаётгани ҳамда бошқа шунга ўхшаш электр-энергия билан боғлиқ бўлган юмушларнинг ортаётганлигидир. Шу боисдан ҳозирда дунё олимлари электр-энергия ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришни эмас, балки ушбу бебаҳо неъматни тежаш устида бош қотиришмоқда.

Мисол учун, барчамиз учун бир қарашда оддий ҳисобланган электр лампалари хонадон ва ишхоналаримизни қанча ёритиши керак бўлса, шунча ёритиб туради. Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, ушбу лампалар ёниб туриши учун бир кунда қанча, бир ҳафта, бир ой ёки бир йилда қанча электр токи сарфланади?

Айни чоғда ушбу бебаҳо неъматни тежаб ишлатиш борасида бугунги кунда мамлакатимизда ҳам соҳа олимлари ва мутахассислари томонидан бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Эътибор берган бўлсангиз, ҳозир аҳоли орасида **«эшитдингизми, электр токини тежайдиган лампалар ўзимизда ҳам ишлаб чиқарилаётган экан. Бу лампаларга унча кўп электр токи сарфланмасакан. Узоқ муддатда чидаркан»,** деган гап-сўзлар тез-тез қулоққа чалинмоқда.

Шу боис, биз газетхоналаримизга ушбу лампалар тўғрисида батафсилроқ маълумот бериш мақсадида **«Vesta Electric» компаниясининг Савдо ва маркетинг ишлари бўйича ижрочи директори Музаффар Абдуллаев** билан суҳбатлашдик.

— Бугунги кунда компаниямиз томонидан электр токини тежайдиган Люменистент ва ЛЕД лампалари ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Биринчи бўлиб фаолиятимизни бошлаганимизда люменистент лампаларини ишлаб чиқарганмиз. Ушбу лампанинг тузилиши ва таркиби қуйидагилардан ташкил топган. Булар — шиша трубка, аргон гази, амалгам, балласт, цоколлардир. Яна шуни айтиш мумкинки, маҳсулот экологик жиҳатдан тоза ва инсон саломатлиги учун ҳеч қандай хавф туғдирмайди. Ҳозирги кунда ушбу ишлаб чиқараётган маҳсулотимизга симоб қўлланилмайди. Унинг ўрнига амалгамдан фойдаланилади. Аслида амалгам симоб билан қалай қотишмасидир. Люменистент лампа таркибидаги аргон гази ҳавони юқори босим остида сиқиш эвазига ажратиб олинадиган ҳавонинг бир қисмидир. Лампа найчаси синган тақдирда ҳам ушбу газ яна ўз хоссасига кўра, ҳавога сингиб кетади. Бу газни ҳатто тутиб ҳам бўлмайди. Оддий қилиб айтганда, бу газ инсон организми учун зарарсиздир.

Энди XXI асрнинг энергетика соҳасидаги энг сўнгги кашфиёти ҳисобланган ЛЕД лампаси ҳақида маълумот берсам, кўпчиликка фойдали бўлади, деб ўйлайман. Аслида, ЛЕД (Лигхт Эмиссион Диод), яъни ёруғлик таратувчи диод деганидир. Унинг технологиясини ихтиро этгани учун бир қатор японияликолимлар Исаму Акасаки, Хироши Амано ва Шужи Накамураларга 2014 йилда физика йўналиши бўйича Нобель мукофоти берилган. Сababи ушбу ихтиро XXI асрда инсоният турмуш тарзини ўзгартириб юборади, деб хулоса қилингани боис берилган. Мутахассислар фикрига кўра, Эдисон (иситувчи, чўғлантирувчи) лампалари XX асрнинг энг яхши ихтироси ҳисобланган бўлса, XXI аср ЛЕД лампалари асри бўлади, дейишмоқда.

Хусусан, ЛЕД лампасининг тузилиши ва таркиби қуйидагилардан ташкил топган. Булар драйвер (электр токини мўътадиллаштириб беради), диод, плата, каркас, радиатор, қоплама, цоколлардир. Ушбу маҳсулот ҳам экологик жиҳатдан тоза ва инсон саломатлиги учун ҳеч қандай хавфи йўқ.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ушбу электр токини тежовчи лампаларимизнинг нималардан таркиб топганлиги тўғрисида тушунча бердик. Энди барчани бирдек, қизиқтираётган ушбу лампаларимиз давлатимизга иқтисодий жиҳатдан қанча электр-энергияни тежаб бериши ҳамда истеъмолчиларга электр ҳақини тўлашда қанча фойда келтириши ҳақида маълумот берайлик.

Мисол учун, ҳали ҳам истеъмолда ишлатиб келинаётган чўғлантирувчи лампалар, яъни 100 Вт ни 1 кунда 6 соат ёқилган тақдирда бир дона лампанинг электр токини сўмга нисбатан сарфлаган харажати 86 сўмни ташкил этади. Бир ҳафтада эса ушбу

харажат 601 сўмни, 1 ойда 2574 сўмни, 1 йилда эса 31317 сўм маблағ сарфланади. Шунингдек, ушбу лампанинг 150 Вт 6 соат ёқилган турса, 1 кунда 129 сўм, 1 ҳафтада 901 сўм, 1 ойда 3861 сўм, 1 йилда эса истеъмолчи 46976 сўмлик электр токини ишлатгани учун ҳақ тўлайди.

Электр токини тежовчи ҳисобланган люменистент 20 Вт лампа 1 кунда 17 сўм, 1 ҳафтада 120 сўм, 1 ойда 515 сўм, 1 йилда эса 6263 сўмлик электр токини сарфлайди холос.

XXI асрнинг энг яхши кашфиёти ҳисобланган ЛЕД 9 Вт лампаси 1 кунда эса 8 сўм, 1 ҳафтада 54 сўм, 1 ойда 232 сўм, 1 йилда эса бор-йўғи 2819 сўмлик электр токини сарфлайди. Бундан кўриниб турибдики, ЛЕД лампасини ишлатиш истеъмолчига кўп жиҳатдан фойдали.

Қаранг, электр токини тежайдиган лампани ишлатган одам бебаҳо неъмат ҳисобланган электр энергияни тежашга ўз ҳиссасини қўшибгина қолмасдан, тежалган электр энергия давлат учун фойдали бошқа мақсадларга сарфланишига ўз ҳиссасини қўшган бўлади.

Бундан ташқари, компаниямиз истеъмолчиларга янада ишончли хизмат кўрсатиш учун бир дона люменистент лампасини ишлатиш учун 15 ой кафолат берган ҳолда харидорга сотмоқда. Ўша даврда лампага бирон нарса қилса, янгисига алмаштириб берилади. Худди шунингдек, ЛЕД лампасига ҳам 24 ой кафолат берилиб, янгисига алмаштириб берилади.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, ушбу лампалардан фойдаланиш қанчалаб электр-энергия тежайди. Шу боис катта-катта завод, фабрикаларда ёки хусусий ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам тежамкор технологиялардан фойдаланса, давлатимизга ва ўзимизга катта иқтисодий фойда келтирган бўламиз.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАДБИР

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ҳамда Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида «Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг ўрни» мавзусида илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

Маданият марказлари

фаолияти изчил йўлга қўйилмоқда

— Мақсад — миллий маданиятимиз анъаналарини тарғиб қилиш, аҳолининг ижтимоий-маданий фаоллигини янада ошириш, қишлоқ жойларида яшовчи ёшларнинг маънавий оламини бойитиш, мазмунли дам олишини ташкил қилишдан иборат, — дейди **марказ директори Азамат Ҳайдаров.** Мазкур анжуманда таъкидланганидек, Вазирлар Маҳкамасининг «2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятларда мавжуд бўлган икки мингга яқин маданият уйлари ва клублар негизида 894 та маданият ва аҳоли дам олиш марказлари таъмирланиб, моддий-техник базаси тўлиқ янгиланмоқда.

Бу марказларда маданий-маърифий хизматлар, интернет-студиялар, турли курслар, мунозара клублари, спорт турлари ва интеллектуал ўйинлар бўйича мусобақалар, танловлар, фото ва амалий санъат кўргазмалари ташкил этилади.

Шунингдек, халқ ижодиёти ва томоша санъатининг мини-фестиваллари, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарни акс эттирувчи оммавий театрлаштирилган байрам томошалари, халқ сайиллари бадиий ижод ва амалий санъатни ривожлантириш, миллий анъана ва қадриятларимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Назокат АҲМЕДОВА,
Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази мутахассиси.

ОБ-ҲАВО 5-6.2 – 2015

Юртимиз бўйлаб (°С)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	-2 / -7
	+3 / +8
Бухоро ва Навоий вилоятлари	0 / +5
	+12 / +17
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	0 / +5
	+10 / +15
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	0 / +5
	+12 / +17
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	0 / +5
	+5 / +10
Тошкент шаҳри	+2 / +4
	+13 / +15

Дунё бўйлаб (°С)	
Лондон	+4 / +4
Париж	+3 / +2
Москва	-6 / -7
Мадрид	+6 / +6
Пекин	+8 / +9
Канберра	+24 / +28
Рим	+11 / +13
Афина	+18 / +17
Стокгольм	+2 / +11
Кейптаун	+28 / +28
Қоҳира	+25 / +31

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тендерная комиссия ГАЖК «Узбекистон темир йуллари»

объявляет тендер № 1 2015 года на приобретение крана на железнодорожном ходу в количестве одной единицы.

За тендерной и технической документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Узбекистон темир йуллари», Управление «Темирйулёнилгитаъмин», комната 410. Тел: 237-94-72, факс: 238-84-43. Элек.почта-Israilov55@ mail.ru

Заявки на участие в тендере принимаются в течение 30 дней с момента выхода объявления в средствах массовой информации.

«TO'RAQO'RG'ON SHIRINLIK AGRO» МЧЖ

хорижий корхонаси кредиторлари диққатига!

МЧЖ шаклидаги «To'raqo'rg'on shirinlik agro» хорижий корхонаси Наманган вилояти, Тўрақўрғон шаҳри, Наманган кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган бўлиб, Наманган вилоят Адлия бошқармаси томонидан 2013 йил 22 июлда 49-сон билан рўйхатга олинган.

Хорижий корхона таъсисчиларининг 2015 йил 29 январдаги 4-сон йиғилиш баёни қарорига асосан хорижий корхона Устав фонди 17 294 459 879,57 сўмдан 11 658 336 879,57 сўмгача камайтирилишини маълум қилади.

Даъво ва эътирозлар Наманган вилояти, Тўрақўрғон шаҳри, Наманган кўчаси, 2-уйда қабул қилинади.

Телефон: (0369) 442-24-80

ООО «KRANTAS»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

Телефоны:(0-371) 262-97-78, факс: (0-371) 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 315-99-17 www.krantas.uz. email: krantas@inbox.ru ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV, Ulug'bek, Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV, MUSTAFOYEV, Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV, Muslihiddin, (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV, MUHIDDINOV, Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA, Ochilboy RAMATOV, (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 259
20908 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.25
Topshirilgan vaqti — 22.55

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5 6